



IDEOLOGICAL PROCESSES IN THE HISTORY OF UZBEK CINEMATIC ART

Barno Urozovna Ungboeva

PhD in Historical Sciences

Advisor to the Director on Scientific Research and Innovation Development

Uzbekistan National Metrology Institute

E-mail: barnoungbaeva066@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: cinema, Soviet, socialism, independence, “proletarian internationalism,” “proletarian culture,” “proletarian revolution.

Received: 08.10.25

Accepted: 09.10.25

Published: 10.10.25

Abstract: The article examines the development of Uzbek cinematic art, issues of historical accuracy in scientific research on cinema, as well as decisions and views aimed at portraying the Soviet regime as superior to all other systems.

ЎЗБЕК КИНО САНЪАТИ ТАРИХИДА МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАР

Барно Ўрозовна Унгбоева

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Ўзбекистон миллий метрология институти илмий-тадқиқот ва инновацияларни

ривожлантириши бўйича директор маслаҳатчиси

e-mail: barnoungbaeva066@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: кино, совет, социализм, мустақиллик, “пролетар интернационализи”, “пролетар маданият”, “пролетар инқилоб”.

Аннотация: Мақолада ўзбек кино санъатининг ривожланиши, кино санъати ҳақида қилинган илмий тадқиқотларда тарихий ҳаққонийлик масалалари, советлар тузумини барча тузумлардан устун қўйишга қаратилган қарорлар ва қарашлар кўриб чиқилган.

ИДЕОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ В ИСТОРИИ УЗБЕКСКОГО КИНЕМАТОГРАФА

Барно Урозовна Унгбоева

Доктор философии по историческим наукам

Советник директора по вопросам научных исследований и развития инноваций
 Национальный институт метрологии Узбекистана
 E-mail: barnoungbaeva066@gmail.com
 Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: кино, советский, социализм, независимость, «пролетарский интернационализм», «пролетарская культура», «пролетарская революция».	Аннотация: В статье рассматривается развитие узбекского киноискусства, вопросы исторической достоверности в научных исследованиях о кино, а также решения и взгляды, направленные на представление советского строя как превосходящего все другие системы.
---	---

Кириш. Бугунги кунда Ўзбекистонда халқимизнинг бой тарихий меросини қайта тиклаш, юксак маънавият, миллий ўзига хослик ва халқ анъаналарининг мавжуд қўп асрлик сарчашмаларини бутун чоралар билан ривожлантириш, соғлом, маънан етук ва ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш учун барча шарт-шаротлар яратилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда халқимизнинг бой тарихий меросини қайта тиклаш, юксак маънавият, миллий ўзига хослик ва халқ анъаналарининг мавжуд қўп асрлик сарчашмаларини бутун чоралар билан ривожлантириш, соғлом, маънан етук ва ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш учун барча шарт-шаротлар яратилди. Аҳолининг маданий ва эстетик эҳтиёжларини янада тўла қондириш, кино, театр ҳамда бошқа санъат турларини ривожлантиришга, халқимиз тарихи ва бугунги ҳаётининг ёрқин саҳифаларини, мамлакатимизнинг эркин демократик тараққиётини акс эттирувчи асарлар яратишда ижодий жамоаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, бугунги кунда “театр ва томоша масканларини, маданий-маърифий ташкилотлар ва музейлар фаолиятини ривожлантириш”[15] каби муҳим вазифаларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижодкор зиёлилар вакиллари билан маданият ва санъатнинг ривожланиш жараёнлари хусусидаги атрофлича суҳбатларида ҳам ҳаётий жараёнларнинг барча соҳаларида учраётган жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларимизни санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш бўйича муҳим вазифалар турганлиги алоҳида таъкидланди. Шу жиҳатдан олиб қараганда 70 йилдан ортиқроқ вақт давомида ҳукмронлик қилган совет давлатининг маданият соҳасидаги, хусусан кино санъати тарихини ўрганиш, таҳлил қилиш, илмий асосланган хулосалар чиқариш долзарб илмий масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017 йил 15 феврал ПФ-4956-сонли) Фармони, “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2017 йил 31 май ПҚ-3022-сонли), “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017 йил 7 август ПҚ-3176-сонли), “Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш “Илҳом” жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида”ги (2017 йил 9 август ПҚ-3184-сонли), “Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2017 йил 14 август ПҚ-3201-сонли) Қарорлари ҳамда “Ўзбеккино” миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2017 йил 28 декабрь 1030-сонли) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, соҳага оид бошқа норматив-ҳукукий ҳужжатлар белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар таҳлили. Ўзбекистон тарихида маданият соҳасидаги трансформация жараёнларини ўрганиш бўйича муайян ишлар бажарилган бўлсада, унинг бир қисми бўлган кино ва театр санъатининг, унинг айнан тарихий аспектини ўрганган ишлар кам. Бу мавзу бўйича ёзилган, монография, мақола, илмий-тадқиқот ишларини уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга советларнинг мустабид тузуми даврида яратилган асарлар, иккинчи гуруҳга эса мустақиллик даврида ёзилган, монография, рисоалар, учинчи гуруҳга хорижда совет даври маданияти, хусусан кино ва театр санъати тарихига бағишлаб ёзилган асарларни киритиш мумкин.

Биринчи гуруҳ адабиётларининг алоҳида ажралиб турадиган хусусияти шундаки, улар марксизм мафкураси руҳида ёзилган бўлиб, амалга оширилган барча ишлар “улуғ октябрь тўнтариши”нинг маҳсули сифатида баҳоланади [1]. Бу йўл дастлаб СССРда, кейинроқ социалистик тараққиёт йўлини танлаган барча давлатларда шаклланиши мунтазам нашр этилган адабиётларда такрор-ланиб борилган.[4]

Иккинчи гуруҳга кирувчи илмий адабиёт ва диссертация ишлари мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар бўлиб, шу жумладан Ўзбекистонда кино ва театр соҳасига оид нашрлар, илмий тадқиқот ишларини [6] изоҳлаш билан яқунланади.

Учинчи гуруҳга кирувчи хорижий адабиётлар, асосан, совет давлатидаги миллий масала билан шуғулланган хорижлик олимларнинг асарларидир.[22] Бу асарларда совет давлати ҳукмронлиги йиллари миллий сиёсатда йўл қўйилган хатолар, зўравонликлар таҳлил этилган.

Тадқиқот ва таҳлил.

Умуман олганда, тарихий ҳақиқатни тўғри англаган ҳолда, ҳар бир даврда ўзига хос салбий ва ижобий жараёнлар бўлганлигини инкор этмаслик лозим. Чунки ҳар даврда турли мафкура ва мақсадлар бўлиши табиий. Совет давлатининг назарий асослари қурилаётган вақтда пролетар диктатурасининг асосчиси В.И.Ленин миллатга тегишли ҳар қандай жиддий масалаларни ҳал қилишда миллийлик жиҳатидан эмас, балки синфийлик жиҳатидан ҳал қилиш кераклигини уқтирди, социалистик тузумга хос бўлган якка партиянинг миллий имтиёзларга қарши сиёсатини ёқлаб чиқди. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий шарт-шароитларни вужудга келтириш учун миллий масалани узил-кесил ҳал қилиш кераклиги ҳақидаги фикрлар сингдирилган ҳолда, ўз тақдирини ўзи белгилаши, яъни “эзилган” миллатларнинг йирик давлат бўлишни истаганлиги ва миллатларнинг чинакам интернационалистик базада нафақат яқинлашуви балки қўшилиб кетишини истаганлиги [5.78] ҳукмрон синф сиёсий маърузаларида ўз аксини топди. Айни пайтда ушбу ғоялар мажмуида қурилажак “соғлом коммунистик жамият” кишилари нафақат ўз фикри, туйғуси билан балки кийиниш маданияти билан ҳам ажралиб туриши лозим эди.[3.294]

Миллий масалага пролетарча руҳда ёндашган совет давлати жамиятни эзувчи ва эзилувчига, бойлар ва камбағалларга ажратди, миллий манфаатларнинг ва миллий муаммоларнинг мураккаб ҳамда хилма-хил эканлигини унутиб, унинг муттасил ривожланиб ва чуқурлашиб боришини эътиборга олмади, натижада тор миллий манфаатлар атрофида ўралашиб, “пролетар интернационализи”, “пролетар маданият”, “пролетар инқилоб” ғоялари юзага келди. “Пролетар маданият аллақандай номаълум жойдан келиб чиққан эмас, пролетар маданият бобида ўзларини мутахассис деб атовчи кишилар ўйлаб чиқарган нарсаси эмас. Бундай ўйлаш бутунлай нотўғри. Пролетар маданияти инсониятнинг капиталистик жамият, помещиклар жамияти, чиновниклар жамияти зулми остида яратган билим запасларининг қонуний тараққийсидан иборат бўлмоғи лозим”[5.294], дея таъкидлаб, жамият тараққиётининг объектив ва субъектив ўзаро алоқадорлиги механизми ишлаб чиқилди. Натижада маданий масалалар халқ ҳўжалигининг беш йиллик режалари билан биргаликда амалга ошириладиган, маданий жараёнларга оид масалалар бўйича муҳокамалар Марказий қўмита съездларида кўриб чиқиладиган бўлди. Амалга ошириладиган вазифалар кишилар онгидан буржуа ғояларини сиқиб чиқариб марксизм ғояларини сингдириш каби аниқ мақсадларга йўналтирилди. Маъмурий-бўйруқбозлик мустаҳкамланиб, буюк ғалабалар ҳақида ҳисоботлар бериб борилиши билан “маданий инқилоб” ғалабалари қўшиқлар ва яратилган фильмларда кўрина бошлади.

“Маданий инқилоб” ўша йиллари индустриализация, коллективлаштиришнинг бир кўриниши бўлиб, асосий мақсад – шахсни тубдан ўзгартириш эди. Шу сабабли саводсизликни тугатиш, бошланғич таълим, малакали кадрлар етиштириш баҳонаси

бошланган тадбирлар бир вақтда оммани миллий маданий меросдан узоқлаштиришга йўналтирилган эди.

Айни пайтда партия ғояларида “одам одамга ёв” деган “ваҳшиёна” принципга барҳам бериб, мамлакатда эксплуатациядан озод бўлган халқларнинг ўртоқларча ҳамкорлиги, бирига социалистик ўзаро ёрдам беришга асосланган жамият қурилиши мунтазам таъкидланиб [12], бу вазифани бажариш учун совет ҳокимияти зудлик билан маданият муассасаларини ўз назоратига олиши, уларни “миллийлаштириш”и керак бўлар эди. Шу билан бирга маданий-маърифий кадриятларга нисбатан муносабат ўзгара бошлади, партия маънавий ҳаёт устидан жиддий раҳбарлик амалиётини юргизишга киришди.

РКП(б) МҚнинг 1925 йил 18 июнда РКП(б) МҚнинг “Партиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсати тўғрисида”ги қарори чиқади ва бу қарор нафақат ўзбек балки бутун мамлакат адабиётининг кейинги тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнади. Бу қарорга кўра, пролетар манфаатига хизмат қилмайдиган адабиёт намуналари буржуа мафкурасининг кўринишлари деб эълон қилиниб, уларга қарши кескин давомли курашлар бошланди. Ёзувчилар совет даврини қуйлаш, пролетар адабиётини яратиш ишига жалб этила бошланди. Пролетар адабиётини яратиш ғояси қанчалик сунъий бўлсада, коммунистик мафкура ғояси билан уйғун эди. Яратилаётган асарларда совет ҳокимиятининг жамиятни бой ва камбағалга ажратиши яққол кўзга ташланди. Яратилаётган асарларда бойлар қора бўёқлар билан тасвирланди. 1932 йилнинг март ойида тузилган Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси ҳам совет давлати ва коммунистлар партиясининг адабиёт соҳасидаги сиёсатини амалга ошириши, социалистик реализм услубининг барча совет ёзувчилари учун ягона ижодий усулга айланишини таъминлаши, аъзолари социалистик ғояларга содиқлигини таъминлаши лозим эди. Бу сиёсат заминида маданиятга марксча-ленинча методология билан ёндашиш, партиянинг буйруқбозлиги, маъмурий жиҳатдан раҳбарлиги, ўз сиёсий мақсадларини амалга ошириш устунлик қилди. Тўғри, партиянинг маданият борасидаги расмий сиёсатида коммунистик мафкура маданиятнинг барча томонлари, унинг моҳиятини ўзида акс эттира олмаслиги таъкидланди. Аммо коммунистик мафкура маданиятга нисбатан ўзининг устунлигини сақлаб қолаверди, маънавий ҳаётга баҳо беришда, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда мафкуравий мезон бош ролини ўйнади.[19.204-206] Тоталитар тузум даврида яратилган адабиёт ва санъат ҳам асосан, “коммунистик мафкура ва социалистик реализм” талаблари доирасида бўлди. Кино ва театр санъати соҳаси ҳам ана шу мафкуравий босимлар таъсирида бўлиб, кишиларда коммунистик дунёқарашни шакллантириш каби ғояларни илғари сурди. КПССнинг санъатга оид ҳужжатлари санъатни гўёки ривожлантириш ва унинг тарбиявий “ролини” оширишда ўрни ортиб бораверди. Бу борада РКП(б)нинг 1925 йил “Бадий адабиёт соҳасида партия сиёсати” ва 1932 йил

“Адабий-бадий ташкилотларни қайта қуриш тўғрисида” қарорлари чиқди.[10] Бу қарорлар совет адабиётини ғоявий етакловчи куч сифатида қаралди.

Совет маданияти, – дейилади ўша вақтларда чиққан мақолада, – энг инсонпарвар маданиятдир. Бу маданият меҳнаткашларни ҳамма ва ҳар қандай эксплуататорларга ва золимларга, тинчлик ва демократия душманларига нисбатан нафрат қилиш руҳида тарбиялайди, бошқа халқларнинг озодлиги ва мустақиллигини чуқур ҳурмат қилишни тарғиб этади. Совет маданияти совет кишиларини чиркин буржуазия мафкурасига қарши, реакция ва хурофотнинг, милитаризм ва ирқчиликнинг, миллатчилик ва космополитизмнинг ҳамма ва ҳар қандай кўринишларига қарши курашга қуроллантиради. Реакция ва хурофот, милитаризм ва ирқчилик, миллатчилик ва космополитизм империализм йиртқич мафкурасининг моҳиятини ташкил этади.[12]

Советларнинг “советлаштириш” сиёсати санъатнинг барча соҳалари шу жумладан кино санъатига ҳам кириб борганди. Кино санъатини социалистик мезонда ривожланишини таъминлаш мақсадида давлат уни ўз тасарруфига олди, ундан халқ оммасини коммунистик мафкура измига солишда кенг фойдаланиш учун[16.101-102] ҳеч нарсани аямади. Кино санъати ривожини учун катта маблағ сарфланди.[19.5] Кино санъати санъатнинг энг оммавий турига айланиб бориши, у аҳолининг деярли барча қатламларига бир хил ғоявий-сиёсий таъсир ўтказиши мумкинлиги, кино санъати большевиклар партиясининг ғоявий-сиёсий мақсадларини омма орасида тарғиб-ташвиқ этишнинг энг оммавий ва таъсирчан усули ҳисобланиши, кино санъати “саводсиз халқни” мамлакатда содир бўлаётган инқилобий жараёнлар билан осон йўл орқали таништириш имконига эга[17.5] эканлиги совет давлатининг асосий ғоявий қуролига айланди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, октябрь давлат тўнтаришидан сўнг биринчи ташкил этилган кино совет давлатининг олиб борган сиёсати натижасида фақат маориф ролида эмас, балки ташвиқот вазифасини ҳам ўташи керак эди. Шу мақсадда 1918 йил кинокомитет ташкил этилиб, 1919 йил 27 августда РСФСР ХКСнинг декрети эълон қилинган, унга кўра кино ишлаб чиқариш бошқармаси Маориф Халқ Комиссарлиги ихтиёрига ўтказилди. Бу вақтларда кино базасининг техник ҳолати жуда паст эди. “Ҳарбий коммунизм” даврида давлат бу соҳани марказлаштириш йўлига ўтади. Натижада марказий кино бўлимлари ҳам мустақил ривожланишдан четлатилиб, 1930 йилдан “Совкино” ихтиёрига ўтказилади. 1933 йил 11 февралда СССР Совнаркоми “СССР СНК ихтиёрида кино фото ишлаб чиқариш Бош бошқармасини тузиш ҳақида” Фармон эълон қилади. Бу билан совет киноси бевосита ҳукумат ихтиёрига ўтказилади.[8.261] Дастлаб бу Бош бошқарма фильмлар мазмунини назорат қилган бўлса, кейинчалик, Сталин топшириғи билан 1933 йил майидан бутунитттифоқ ва республикалар кинотрести устидан назоратни қўлга олади.[11.52]

И.Сталин бу курулнинг кудратини билганлиги учун 1930-йилларда кино саноатига алоҳида эътибор қаратди. Мамлакат кинематографияси раҳбарлигига ўша вақтларда М.Н.Рютин, Б.З.Шумяцкий, С.С.Дукельский, И.С.Большаков кабилар бўлиб, улар ўз иш услубига эга бўлсалар-да, лекин асосий бошқарув И.Сталин қўлида эди.

Кино саноати соҳасида керакли натижа олиш учун доимий назорат ўрнатилди ва унга эришилган натижалар назорати дастлаб 1930-1934 йилларда МҚ қошидаги кино комиссия ташкилий Бюроси, кейинчалик 1940-1941 йилларда А.Жданов бошчилигидаги комиссия назорат остида бўлди. 1934 йилдан бошлаб И.Сталин кўплаб ишланган киноларнинг назоратчиси, матнлар таҳрирчиси, актёрлар танлашда асосий маслаҳатчи, фильмларнинг экранга чиқишида вақтли матбуотда эълон қилинган мақолаларнинг эълон қилинишида асосий назоратчи бўлиб қолди. Кинолар премьерасига Сталин ўз атрофидагиларни, сиёсий бюро аъзоларини, фильм кинорежиссёрларини, ўз фарзандларини таклиф қилди. Ҳар бир фильм Сталиннинг кўригидан ўтар, атрофидагилар бўлса унга маъқул сўзлар билан қўшилиб турар эдилар.[14.103-104] Бу ҳақида Н.Мандельштам шундай ёзади, “Сталин украин актёри А.М.Бучма ўйнаган раҳбар ролини кўриб, “бундай раҳбар ролини ҳаётда раҳбар бўлган одамгина ўйнай олади”, деб айтиб керакли чора кўрилишини талаб қилади”.[7.333]

Шу тариқа совет ҳокимияти бутун кино ишлаб чиқариш саноатини қўлга олади ва техник базасининг носозлиги, керакли сценарийларнинг етишмаслиги, режиссёрлар яқка раҳбарлиги, эркин фикр бериш имконини йўқлиги, актёрлар ўртасида танловнинг кучайиб, улар ўртасида рақобат каби ҳолатнинг келиб чиқишига сабаб бўлиб қолади.[13.73] Айни пайтда 30-йиллардаги тозалаш ишлари кино саноатини ҳам четлаб ўтмайди.

1928 йили собиқ СССРда кино масалалари бўйича партия кенгаши ўтказилиб, бу кенгаш олдидан барча республикаларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам кино, унинг жамиятни қайта қуришдаги роли, оммавий коммунистик руҳда тарбиялашдаги роли бўйича баҳслар ўтказилганди. 127 нафар иштирокчи қатнашган ушбу кенгашда асосий масала сифатида кино соҳаларини ривожлантиришда буржуа ва майда буржуа элементларнинг ғаразли мақсадлари “муҳокама этилганди”[18.21].

Кенгашда таъкидланишича, “буржуа ва майда буржуа қатламлари асосий эътиборни оддий халқни ўз томонига оғдириб олиш, совет давлатига қарши курашни кучайтиришга қаратдилар”. Агар собиқ СССРнинг марказий ҳудудларида “синфий кураш” асосан троцкийчилар, кулоқлар, ўнг ва сўл оғмачиларга қарши кураш тарзида олиб борилган бўлса, бу кураш Ўзбекистонда буржуа миллатчилиги, панисломизм, пантуркизм, советларга қарши кураш тарзида олиб борилди. Бундай курашларнинг сиёсий-мафкуравий жиҳатдан

тўғрилигини асослаш учун эса 1927 йилда “Давлат жиноятлари тўғрисида” ҳужжат қабул қилинди.[21.124]

Натижада кино санъати маданият ва санъатнинг советлашуви ва сиёсийлашуви билан уйғунликда мафкуралаша бошлади. Кино бўйича бутуниттифоқ партия кенгаши (1928 йил) ҳужжатларида таъкидланишича, пролетариат ва компартиянинг энг асосий вазифаси маданият ва санъат соҳасида партиявий раҳбарликни кўлга киритишдан иборатлиги белгилаб берилди. Бу ҳужжатда барча санъат турлари каби кино соҳаси ҳам сиёсатидан ташқарида турмаслиги таъкидланди. Кенгаш қарорида совет киноси олдида турган қуйидаги вазифалар белгиланди: социализм қурилиши даврида кино санъати ишчилар синфий онгини ўстирувчи кучга ғоявий қурол, барча нопролетар қатламлар, биринчи бўлимда деҳқонларни сиёсат жихатдан қайтадан тарбияловчи муҳим восита, кенг омма орасида марксча-ленинча ғояларни тарғиб этувчи омил ролини ўйнаши лозим.[20.28]

Умуман, 1928-1934 йилларда МҚнинг маданий қурилишга оид бўлган 60 га яқин қарорлари чиқди[2.653] Совет жамиятининг маънавий қурилиши 1929 йил таълим бўйича халқ комиссариатининг раиси этиб А.С.Бубнов тайинлангандан сўнг янада кучайди. Айнан мана шу йилларда Союзкино, радиофикация ва радиоэшиттириш Бутуниттифоқ комитети, олий техник мактаб комитети, худосизлар жамияти қошида оммавий жамоавий “Худосизлар жамияти қурашувчилари” ташкилоти тузилди.[2.654] 1946-1948 йилларда ВКП(б) МҚнинг адабиёт ва санъат бўйича бир қатор қарорлари чиқди: 1946 йил 14 августда “Звезда» ва “Ленинград” журналлари ҳақида”, 1946 йил 26 августда “Драматик театрларнинг репертуари ва уни яхшилаш тадбирлари ҳақида”, 10 февраль 1948 йилда “В.Мураделининг “Великая дружба” (Улуғ дўстлик) операси ҳақида”, 11 сентябрь 1948 йил “Крокодил” журнали ҳақида”[9.261] ва қарорларда А.Ахматова, М.Зощенко, В.Мурадели кабиларнинг асарлари ғоясиз, буржуа идеологиясини тарғиб қилувчи сифатида қораланди. Мазкур қарорлар совет маданияти сиёсатидаги зўравонликларнинг аниқ мисоли эди ва уларни бир тўпдамда нашр этилиши маданият соҳасига “дастурамал” бўлиб хизмат қилишини таъминларди. Чунки, уларда халқнинг тафаккурига тез таъсир кўрсата оладиган ва унга энг яқин бўлган маданиятнинг муҳим тармоқлари – адабиёт, шеърят, театр, кино ва опера санъатлари исканжага олинди.

Хулоса қилиб айтганда, Совет даврида кино санъати мафкуранинг измида шаклланган бўлса-да, миллат фидойиларининг таъсири остида ривожланганлигига ҳам гувоҳ бўламиз. Ўзбек киноижодкорлари имкон даражасида фильмларга миллийча руҳ беришга ҳаракат қилишган.

Гарчи бу фидойилик ортидан кўпгина ижодкорлар ўз даврида шафқатсизларча катагон этилган бўлса-да, ўзбек халқи ижодкорлари ўз аҳдларидан қайтмадилар. Йиллар

ўтиб мустақилликка эришганимиздан сўнг, қатағон этилган замондошларимиз номлари тикланди. Хурлик учун ўз жонини аямаган санъаткорлар номлари абадийлаштирилди. Бугун эса яратилган барча имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш, тарихий ҳақиқатни тўғри англаш ва бу ҳақда тарихий фильмлар сураатга олиб, ёш авлодга етказиш вазифалари киноижодкорлар олдидаги муқаддас бурч ва масъулиятли вазифалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азимов С., Қосимов С. Ўзбекистон халқлари тарихини ва ўтмиш маданиятини сохталаштиришга қарши // Шарқ юлдузи. – Тошкент: 1949; Кари-Ниязов Т.Н. Очерки истории культуры советского Узбекистана. – М.: Изд-во АН СССР, 1955; Хушбеков А. Из истории культурного строительства в Узбекистане в годы первой пятилетки. – Самарканд: 1959; Пулатов Х. Культурно-воспитательная деятельность советского государства в Узбекистане. – Ташкент: 1959 ва бошқалар.
2. История России. С древнейших времен до наших дней. Учебник. – Москва. Пропект, 2015.
3. Ивин А.А. Философия истории. С.294.
4. Куличенко Н.И. Нация и национальный вопрос. – М.: Наука, 1983;
5. Ленин В.И. Тўла асарлар тўплами. 27 – том.
6. Маврулов А.А. Культура Узбекистана на современном этапе: общее состояние, проблемы, тенденции развития. Автореф. дис. ... док. истор. наук. – Ташкент, 1993; Миноваров Ш. Нравственно-эстетическое воспитание старшеклассников в период второй мировой войны средствами театрального искусства: Дисс. ... канд. пед. наук. – Ташкент, 1994; Нишанбаева К. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари (20-30 йиллар): Тажриба ва оқибатлари: Тарих фан.ном. ... дис. – Тошкент, 1998; Эргешева Ю. Культура Узбекистана: состояние, тенденции и проблемы развития (50-60-е годы): Дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1998 ва бошқалар.
7. Мандельштам Н. Вторая книга. -М.: Согласие, 1999.
8. Михайлов В. Сталинская модель управления кинематографом // Кино: политика и люди (30-е гг.) / Отв. ред. Маматова Л.Х.; Роскомкино; Науч. - исслед. ин-т киноискусства.- М.: Материк, 1995.
9. Новейшая история Отечества. XX век. Учебник для вузов. В двух томах. Том 2. – Москва. ВЛАДОС, 1999.
10. Олимжонов А. Тарих ва адабиёт фанларини ўқитишда юксак ғоявийлик учун //Қизил Ўзбекистон. 1947 йил, 22 октябр.
11. Раззаков Ф.Гибель советского кино. Интриги и споры. 1918 - 1972. -М.: ЭКСМО, 2008.

12. Совет маданиятининг буюк ғалабалари // Қизил Ўзбекистон. 1950 йил, 18 август.
13. Туровская М. 30-е – 40-е: “частный сектор” в эпоху диктатуры // Искусство кино. 1996. № 2.
14. Цюзь О. В. Поиск “большого стиля” в искусстве сталинской эпохи (середина 1930 – начало 1950-х гг.). Дисс. на соиск. Уч.степ.канд. ист.наук. - М.; 2014.
15. ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1844-иш. ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 1352-иш.
16. ЎР МДА. Р-34-фонд, 1-рўйхат, 237-иш.
17. ЎзР МРА. Р.34-фонд, 1-руйхат, 215-иш.
18. ЎзР МДА, Р-94-фонд, 1-рўйхат, 220-иш.
19. ЎзР МДА, Р-94-фонд, 1-рўйхат, 465-иш, ЎзР МДА, Р-1803-фонд, 2-рўйхат, 2-иш, 11-варақ. ЎзР МДА, Р-1803-фонд, 2-рўйхат, 2-иш.
20. Ҳасанов Б.Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы. 1917-начало 50-х годов. -Ташкент, 2000.
21. Carrere D'Encansse H. L'empire eclate: La revolte'des national en U.R.S.S. – Paris: Flammarien, 1979.; Sorlin P. The film in history. Restaging the Past. – Oxford: 1980, Foster C. Political Culture and Regional Ethnic Minorities // Journal of Politics. – Gainesville: 1982; Montgomery David C. Shohimardan: Forging a link in the Chain of Soviet Uzbek Literary Orthodoxy.